

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz •

2004 йил 21 январь, №14 (3288)

Чоршанба



ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 19-20 январь кунлари расмий ташриф билан Кувайт давлатида бўлди

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига анча бўлган. Лекин Ўзбекистон ва Кувайт амалий ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланмай келди. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида, халқаро сиёсий жараёнларга баҳо бериш ва ёндашуларда томонларнинг қарашлари уйғун. Аммо, Президентимиз таъбири билан айтганда, иқтисодий соҳада шу чоққача имкониятлар тўла ишга солинмади. Шу боис икки мамлакат салоҳиятини ўзаро муносабатлар ривож томон йўналтириш, амалий ҳамкорлик учун қўлай шароит яратиш ташрифидан кўзланган асосий мақсад сифатида эътироф этилди.

ас-Сабоҳ билан учрашди. Музокарада икки томонлама алоқаларнинг истиқбол муҳокама этилди. Мазкур ташриф Ўзбекистон ва Кувайтда ҳамкорлик юқори поғоналарга кўтариш учун катта иштиёқ ва интилиш мавжуд эканлигини тасдиқлаши таъкидланди. Мамлакатимиз раҳбари Кувайт Бош вазири Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ билан аввал яқинлашди, сўнг расмий делегациялар иштирокида музокаралар ўтказди. Учрашуларда ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Ҳуқуматларо қўша комиссия тузиш ва ёз ойларида Тошкентда унинг илк мажлисини ўтказишга қелишилди. Меъзонолар Ўзбекистон ал-Кувайтда элчиона очилиш мақсада мувофиқлигини таъкидлади.

Ўзбекистон транспорт ва коммуникация, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, сув таъминоти каби соҳаларда Кувайт билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Ушбу мамлакат улкан сармоявий салоҳиятга эга, энергия ва сувдан тежамли фойдаланишда катта тажриба орттирган. Ўзаро ҳаво алоқасини йўлга қўйишдан ҳам икки томон бирдек манфаатдор. Трансафгон йўли қурилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўл минтақада вазиятни барқарорлаштириш баробарида, кўпгина давлатларни, жумладан, Ўзбекистон ва Кувайтнинг бир-бирига яқинлаштиришига хизмат қилади. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт давлати ҳуқуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-тех-

никавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ тўлашдан қочиш, ҳаво алоқаси борасидаги, шунингдек, террорчилик, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битимлар ҳамда Ўзбекистон ҳуқумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик ўргатисиди меморандум имзоланди. Дастлабки тўрт битим давлат ва ҳуқуматлар даражасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга кенг йўл очди. Террорчилик, контрабанда ва уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлик ўзаро ишончли мустақамлашга хизмат

қилади. Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан тузилган меморандумда эса, Ўзбекистондаги 9 лойиҳани молиялаштириш учун ушбу муассаса томонидан 215 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилиши кўзда тутилди. Бу лойиҳалар сув ва энергия таъминоти, ирригация; қурилиш соҳаларига йўналтирилган. Мазкур жамғарма шу вақтгача Ўзбекистондаги икки лойиҳада жами 38,8 миллион АҚШ долларига тенг маблағ билан қатнашган эди. Янги келишув ташрифидан самарали кечганига яна бир далилди. Ушбу жамғарма Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси каби йирик халқаро мо-

лиявий тузилмалар билан яқин алоқа ўрнатган. Унинг Ўзбекистонга эътибори кучайгани мамлакатимизга хориж сармояси жалб қилишнинг имкониятларини янада оширади. Президент Ислон Каримов жамғарма Бош директори Бадр Мишарий ал-Хумайзий билан учрашиб, шу масалалар юзасидан фикр алмашди. Ташриф асносида Президентимиз ушбу мамлакатнинг Миллий мажлиси раиси Жосим ал-Харрофий, Савдо ва саноат палаталари кенгаши раиси Саъд Али ан-Ноҳий билан ҳам учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат ва жамият қурилиши академиясида аграр соҳа раҳбарларининг семинар-мунозараси давом этмоқда. Семинарнинг иккинчи кунин Олий Мажлис Раиси Э.Халиловнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳамда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият қурилиши масалаларига бағишланган маърузаси тингланди.

СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ислохотларнинг бош стратегияси — бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақам пойдеворини шакллантириш тамойиллари изчиллик билан амалга ошириладигани таъкидланди. Жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнларининг қонуний асосини янада такомиллаштириш бўйича талай ишлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократиялаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, кичик ва хусусий бизнес вакиллари манфаатларини ҳимоялашда зарур қафолларни яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.


Дир. Қонун устуворлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг демократиялашуви, давлат бошқаруви идоралари вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бошқариш-бошқич ўтказиш таъминланмоқда. Конституциямизга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар демократик-ҳуқуқий жамият барпо этиш жараёнларини янада тезлаштиришга хизмат қилади. Машгулотда Марказий сайлов комиссияси раиси А.Аҳмадовнинг икки палати парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидовнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимга изчил ўттишни таъминлаш чора-тадбирлари ҳақидаги маърузалари тингланди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Журабеков, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Н. УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

ФЕРМЕРАЛР ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИ

ҚАРШИ (ЎЗА МУХБИРИ А. МУҲАММАДИЕВ). Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонида биноан Қашқадарь вилоятида паст рентабелли 31 ширкат ҳўжалиги тасарруфидagi ер майдони фермерларга тақсимлаб берилди. Вилоятда фермерлар сони қарийб икки бараварга кўпайди. Яна ўттиз паст рентабелли ширкат ҳўжалиги ерини фермерлар ўртасида тақсимлаш бўйича махсус комиссиялар иш олиб бормоқда. Шундай қилиб, вилоятда фермер ҳўжалиқларига айлантирилаётган жами қишлоқ ҳўжалик қорхоналари 119 тага етади.

Пойтахтимизда



Ғалабалар дебочаси

Бокс бўйича Филиппинда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида вакилларимиз иккита олтин, иккита кумуш ва олти бронза медалларини кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи бўлишди. Беш нафар спортчимиз эса Афина Олимпиадаси йўлланмасини нақд қилиб қўйди. Кеча улар юртимизга қайтиб келишди. Тошкент халқаро аэропортида чарм кўлқоп усталаримизни спорт ишқибозлари, мураббийлар, журналистлар ва спортчиларнинг яқинлари кутиб олишди. Суратда: Осиё чемпиони, Олимпиада йўлланмаси соҳибига, унтрақ вазнли боксчи Рустам Саидов.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Жойлардан хабарлар

Китоб тақдими

Пекинда Хитой ижтимоий ва илмий адабиётлар нашриёти томонидан нашр этилган «Ўзбекистон» китобининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда Хитойга ташриф буюрган Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Содик Сафоев, ХХР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ли Хуэй, Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчиси Носиржон Юсупов ва бошқалар иштирок этди, деб хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири. Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон машҳур Буюк ипак йўлида жойлашган Марказий Осиёнинг қадимий мамлақати эканини таъкидладилар. Ушбу китобдан 1991 йилда мустақилликни кўлга киритган ватанимизнинг ўтмиши ҳамда бугунги кунини хусусида кўплаб маълумотлар ўрин олган.

Ҳовли тутуш маданияти Самарқандда умумхалқ ишига айланмоқда

Бу муаммо аслида вилот элчиликнинг наватдан ташқари сессиясида долзарб вазифа сифатида ўртага ташланди. Президент И. Каримов сессиядаги нутқда қишлоқда турмуш маданиятини ошириш фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришнинг мумкин омили эканлигини таъкидлаб, одамларнинг ҳаётга муносабатини ўзгартириш юзасидан аниқ кўрсат-

Йигирув фабрикасида халқаро андозалар даражасидаги қалава ип ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши «Намангантекстиль» ҳиссадорлик жамиятининг оёққа туриб олишида муҳим омили бўлади.

Қалабадан тайёр маҳсулот

Эндиликда пахта толасидан йигирилаётган ип асосан хорижга экспорт қилинапти. Масалан, бугун 2493 тонна маҳсулотнинг 17 тоннаси ташқи бозорга чиқарилди. Бунинг эвазига қорхона валютаси ҳисоб рақамига 2 миллион 897 миң АҚШ доллари келиб тушди. Сўнгги пайтларда газламаларнинг янги нусхаларини яратган тўқимачилар тикучиликни ҳам ўзлаштиришди. Бу ерда пахта матосидан тикилаётган кўйлақларнинг харидори сөрб. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қарийб икки баравар ошириш мўлжалланапти. Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Малар берди.

— Ижтимоий соҳа ходимлари, мутахассисларидан иборат гуруҳлар чекка қишлоқлардаги хонадонларга бориб, ҳовли тутуш, оила озодагарчилиги, томорқадан фойдаланиш, рўзгор тутуш, муомала маданияти борасида фуқароларга амалий ёрдам бермоқдалар, — дейди вилот ҳокимлиги котибият мудири Х. Муҳаммадиев. — Юртбошимиз кўрсат-

Спортни суймайдиган раҳбарлар

Юртбошимизнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишида билдирган фикр-мулоҳазалари нафақат спорт мутасаддиларини, ҳар бир юртдошимизни ҳам бефарқ қолдирмади.

Ана шу бефарқ қолмаслигининг, ўзгача манфаатдорлигининг муйаян хос сабаблари бор. Мактаб, лицей, коллежларда қанча кўп ўйингоҳ, теннис майдончалари, ринглар, сузиш ҳавзалари, волейбол майдончалари намунали фаолият кўрсатса, ўсиб келаётган ёш авлод шунчалик соғлом ва баркамол бўлиб ўсади. Бу ҳолдан барча ота-оналар бирдай манфаатдордир. Ким ҳам ўз ўғли ёки қизини маънавий раҳиб бўлиб ўсди, шундай раҳиб бўлиб ўсганини қўлқўриб, тенгқурларини ичда ажралиб туришига бўлган иштиёқ ҳар бир ўшнинг орузи эмасми? Бундай ёшлар вақтнинг, ҳаётнинг, бора-бора эса

ўзи туғилиб ўсган юртининг қадрига тўлароқ тушуниб етади. Ана шу тушунча шу юрт учун яшаш, қайғуриш каби улғувор туйғуларга доялик қилади.

Республика мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» ва лицей ҳамда коллеж талаба ёшлари иштирокида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида сирдарёлик ёшлар, мана бир неча йилдирки, умумжамоа ҳисобида рўйхатнинг анча кўйи қисмидан жой олишапти. Бундан бир кўрсаткич! Шу ҳолнинг ўзиёқ вилотда болалар спортини ривожланишига етарли даражада эътибор берилмаётганлигини кўрсатиб турибди. Аслида вилотда иқти-

дорли, спортни жони-дилдан яқин кўрувчи юзлаб, минглаб ёшлар бор. Шарт-шароит етарли бўлмаганлиги, айрим мутасаддиларнинг сустхалиги тўғрисида ана шу ёшлар бир қанча турнир ва мусобақаларда иштирок этишдан бенаиб қолишмоқда.

Гулистонлик Умид Аҳмедовни бугунги кунда нафақат Сирдарёда, Балки республикамизда ҳам кўплар яқин танишади. Армирестлинг бўйича кўп қарра жаҳон чемпиони бўлган бу йигит ўтган йили наватдаги чемпионатга вилотнинг ўзидан ҳомий тополмади. Яқини, тошкентлик фидойи унга ёрдам берди. «Юртимизда шундайлар бўлмаганида хориждаги жаҳон чемпионатида боролмаган бўларди, — дейди Умид Аҳмедов. — Мен мусобақадан яна жаҳон чемпиони бўлиб қайтдим».

(Давоми 3-бетда).

Фармон ТОШЕВ.

Мардлар кўриқлайди Ватанни

Сараланганлар саф тортса

ер гумбирлайди, кўчалар тўлади, ганимлар хушёр тортади



Қочибга улгурмади

Қарши шаҳрининг С. Раҳимов кўчасида яшовчи М. Атаев ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. Маълум бўлишича, қотилликда айбланган Атаев маст ҳолда қилмиш содир этган. Оқибатда у ўзининг қадрдон дўсти Я. Мадраҳимов билан жанжаллашиб, унинг кўкрагига пичок санчиб улдирган экан. Ҳозирда ушбу иш юзасидан тергов давом этмоқда.

Тузину еб...

Юқоридагига ўхшаш ҳолат Урганч шаҳрида ҳам содир бўлган. Пахлавон Махмуд Кўчасида яшовчи С. Шойқўловнинг уйида меҳмонда бўлганлар — Тўхтабоев, Қобулова ва Юсуповлар биргаликда спиртли ичимлик ичишди. Сўнг ўзаро жанжаллашди. Оқибатда меҳмонга пичок уриб, жароҳат етказди. Жабрланувчи воқеа жойида вафот этди... Жиноятчилар қилмишига яраша жазоланди.

Милциянинг тезкор хабари

Эгасига қайтарилди

Самарқанд тумани ички ишлар бўлимига Т. Қобуловага тегишли «ВАЗ-21011» русумли автоулов ўғирланганлиги ҳақида ариза тушди. Унга асосан ўтказилган тезкор тадбирда 20 ёшли Иштиёр ва Дмитрий қўлга олинди. Автоулов техник соҳ ҳолатда эгасига қайтарилди.

Адибахон РАХМАТУЛЛАЕВА, ИИБ Матбуот хизмати жамоатчиси.

Қорақалпоғистон Республикасининг Қорақўл қишлоғи билан Марказий Фарғона ерларида жойлашган Қизилтепа мавзеининг туташган, яқинлик жойи йўқ. Фақат юлғунзорлар, ўрқач-ўрқач барханларга туташ пахтазорлар, боғ-роғлар Гупал Қаландаровга қадрдон юртини, болалиги, шўхчан чопиб юрган поёнсиз сарҳадларни эслатиб юборади.

Гупал тенгдошлари орасидан Ватан ҳимояси учун ўтказилган танловда сараланганлар сафига тушганида кўнгли тоғдай кўтарилган бўлса, ички қўшинлар турида хизмат қилишини айтишганда қувончига-қувонч қўшилди. Ахир оддий қишлоқ йигитига юртимизнинг ўта муҳим ишотларини кўриқлашдек вазифа юкнади-ю севинмай бўладими!

иншоотларни кўриқлаш бошқармасига қарашли ҳарбий қисмга Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхонасини кўриқлашдек масъулиятли вазифа юкнаган. Ҳарбий хизматни ўтаётганига ҳали бир йил тўлмаёқ Гупал Қаландаров корхонадаги ишчиларнинг қадрдони, ўз кишини айланмиб қолди. Ҳозир у алоқачилар гурӯҳига сардорлик қилапти.


туфайли ҳам ишлар нафақат ички қўшинлар тизимига, Шарқий ҳарбий округ бирлашган кўмондонлик таркибига ҳам намунали жамоалардан бири ҳисобланади. — дейди сараланган солдатлар сардори Воҳид Абдуллаев. — Яқинда бирлашган қўшинлар таркибига ўтказилган тактик машқларда совринли ўринни эгаллади. Тактик таътиргарлик ишларимиз асосан ҳимоя йўналишига бағишланган. Бу ҳарбий маҳоратни ўзлаштиришда бизга улғу бобоимиз Амир Темурнинг саркардалик сирлари, юрт ҳимоясига бағишланган ўғитларини чуқур ўрганаётганимиз кўл келмоқда.

— Ҳарбий қисмимиз нафақат ички қўшинлар тизимига, Шарқий ҳарбий округ бирлашган кўмондонлик таркибига ҳам намунали жамоалардан бири ҳисобланади. — дейди сараланган солдатлар сардори Воҳид Абдуллаев. — Яқинда бирлашган қўшинлар таркибига ўтказилган тактик машқларда совринли ўринни эгаллади. Тактик таътиргарлик ишларимиз асосан ҳимоя йўналишига бағишланган. Бу ҳарбий маҳоратни ўзлаштиришда бизга улғу бобоимиз Амир Темурнинг саркардалик сирлари, юрт ҳимоясига бағишланган ўғитларини чуқур ўрганаётганимиз кўл келмоқда.

Ҳарбий қисмда айрим аскарлар билан гурунглиқ бўлиши, қайси заминни, қайси ишотларни кўриқлашни буюрса сўзсиз адо этамиз. Миллий истиклол юриси, Ўрта-бошимиз асарларини ўқиб-ўрганиш ҳам бизга шуни даъват этмоқда. — Қишлоғимиз йигитлари орасида ҳарбий хизматга ишқибозлар талғайна эди, — дейди Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги Чўянчи қишлоғидан кел-

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда



Ўзбекистон Бадий академияси Навоий тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати қадим Нурота шаҳрида жойлашган. Беш йилдири, бу ерда ёшлар тасвиричилик, кулолчилик, каштачилик, наққошлик, дизайн, тоштарошлик, миниатюра, графика, модельер-тикувчи каби 12 турдаги амалий безатувчилик санъати сирларини ўрганишга. Лицей вилоятдаги нуфузли илм даргоҳларидан ҳисобланади. Ўтган йили илк бора 13 ўқувчи «учирма» қилинди. Уларнинг 11 нафари республикамиздаги амалий санъат йўналишидаги турли нуфузли олий ўқув юртлири талабаси бўлишди. Яқинда яна 11 битирувчи ҳаётга йўлланма олди.

Табиатда ранг кўн...

Билим даргоҳига 5 ва 7-синфдан бошлаб ўқувчилар қабул қилинади. Улар тўрт йил давомида малакали мураббийлар қўлида илм-фан сирларини ўрганишди, ўзлари танлаган йўналишлар бўйича маҳоратларини оширишди. Қарабасизи, мурғак қалбларда истеъдод қирралари юз очавради.

ларнинг «Онам ва мен» деб аталган туркум асарлари бош совринларга муносиб топилди. Бадий академиянинг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Эльмарс Сорго лицей ўқувчиларининг асарларига юксак баҳо бериши бежиз эмас. Мана, ўқувчи қизлар қўлида сайкал толган сўзана-лар, палак, гулсочик, белбоғлар... Биргина паланиннинг ўзида ой ва қуёшни, ерни, осмонни, юдузларни, боғу бўстонларни, тоғ ва қирларни, яшиллик оламининг таъриф этилиши анча машаққатли иш. Эзгу ният билан бахтиёр ва ёрқин ҳаёт ҳақидаги орзулар ипақлар тили билан ишчи этилган. Бундай санъат кимни ҳам лол қолдирмайди, дейсиз.

Инсонпарварлик ёрдами

Самарқандда Американинг «Сити Хоуп интернешнл» хайрия ташкилоти ва Халқаро ривожлантириш агентлиги томонидан 40 миң АҚШ долларига тенг бўлган 12 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилди. Мазкур инсонпарварлик ёрдами «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими орқали вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ва шифохоналарга етказиб берилди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗИНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
А.САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ИМ ВУЛОГ'И» тайёрлов маркази
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
1. Олий ўқув юртлирига (мактаб даъури ва тест топшириқлари бўйича) кириш учун куйидаги йўналишдаги бўйича тайёрлов курсларига:
• математика; • химия;
• физика; • она тили ва рус тиллари.
2. Ўзбек тили (лотин графикаси ва кирилл ёзуви бўйича), рус ва чет (инглиз, немис, француз) тилларини ўқитиш курсларига.
3. Олий ўқув юртлири, академиклицей, касб-хунар коллежлари, шунингдек ўрта мактаб ўқитувчиларининг тил йўналиши бўйича малакасини ошириш курсларига.
Ўқитиш мuddати — 1, 3, 6, 8, 10 ой. Ўқитиш — шартнома асосида.
Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар кўчаси, 2-уй, ТошДУнинг бош биноси, 6-қават, 614-хона. Мулжал: метронинг «Беруний» бекати. Телефонлар: 46-46-00, 118-90-52, 128-28-25.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Бойсуннинг навқирон тоғлари

Бойсунда бирон қишлоқнинг номини тилга олинг, сиздан дарҳол, ўша қишлоқнинг полвоини ким у шори ким деб сўраб қолишди. Қизғин шундаки, бундай савол билан бойсунликларнинг тилини дудмал қилолмайсиз: полвоинларини, шоирларини қўша қўша санаб беришди. Ва гапнинг аввалида, табиийки, ўзбек кураши бўйича жаҳонга донги кетган Тоштемур Муҳаммадиев, Абдулла Тангриев, Давлат Чориев сингари катта полвоинларнинг номлари тилга олинди.

Аваллари полвоинларнинг машқ майдони ҳам, кураши ҳам тўй давраси эди. Ҳозир бошқача. Ҳозир ҳар бир мактабда кураш тўғраги бор. Ҳар бир маҳаллада шундай тўғрак очиш ҳаракати бошлаб юборилган. Масалан, Шўрсой ҳамда Газа маҳаллалари оралиғида умумтаълим ўрта мактабда ҳаммабоп қилиб жиҳозланган болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

О.УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТЕЗИНТОМ» ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҚҚ
ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИқАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ:
ТУРАИ РАНГАДИ ҲАМ ЗАМОНАВИЙ ТОМ ИЛГОР АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БУЎЛИШ ТУРАИ ҲАМ КОМПАКТЛАРИНИ ҚОЎЛЛАШ
«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси маҳсулотларининг пархларни сезиларли қамайтирилган

Камолдин Бекқол номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Тасвирий санъат факультети, Киноб графикаси кафедраси профессори, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳама номидаги давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги
Қутлук Башарович БАШАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш бўлими бошлиғи А. Р. Гатаулинга волидан мухтарамаси
ДАМИРА аянинг вафот этганига муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон Республикаси Табиғий муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ҳамда вилоятлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекциялари жамоалари Самарқанд вилоят табиғий муҳофаза қилиш қўмитасининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Тўраҳон Хошимовга онаси
НИШОНБИ ҚОШИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО (масъул котиб — «Народное слово»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҚОШИМОВ.
БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетчилик ва алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқ сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 274, 31749 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.
Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор Ж. ТУГАЕВ томонидан саҳифаланди.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Нормуродова.
Мусаххих — М. Сулаймонова.
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилади — 23.20
2 3 4 5 6